# ИШОНУВЧАНЛИК ФОЖИАСИ

**ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИНИНГ «ОТЕЛЛО» СПЕКТАКЛИ ҲАҚИДА**

БУЮК актёр Аброр Ҳидоятов иштирокида «Отелло» спектакли сўнгги бор 11 май 1958 йилда ижро этилди. Ўша кун В. Шекспирнинг бу машҳур трагедияси Ҳамза номли академик драма театри саҳнасида беш юзинчи марта қўйилганди. Н. Ладигин ва М. Уйғур саҳналаштирган, С. Эшонтўраева ва И. Болтаева (Дездемона), О. Хўжаев ва Н. Раҳимов (Яго), Ш. Қаюмов (Кассио), О. Жалилов (Дож), Т. Султонова (Эмилия), Ҳ. Латипов (Брабанцио), Ж. Тожиев (Родриго) каби ажойиб санъаткорларимиз иштирок этган бу спектакль ўзбек совет театри тарихига алоҳида зарварақ бўлиб кирди. Мана, роса йигирма олти йилдан кейин томошабинлар Шекспир қаҳрамонлари билан қайта учрашдилар.

Маълумки, пок ва садоқатли муҳаббат, унинг фожиавий оқибати — «Отелло» трагедиясининг сюжетини белгиласа ҳам, унинг ижтимоий моҳияти ғоятда чуқур ва кўлами кенг. Унда бир-бирига зид гуманистик ва реакцион фалсафа, бир-бирига қарама-қарши икки тушунча — гўзаллик ва тубанлик, олижаноблик ва ёвузлик, бир-бирига мутлақо ёт ахлоқ — юксак инсонийлик ва буржуа ахлоқи, адолат ва зўравонлик каби ижтимоий принциплар ўз аксининг мукаммал ифодасини топган. Мана, шунинг учун мазкур асар, ундаги воқеалар, қаҳрамонларнинг тақдири замондошларимизни ҳаяжонга солади. Трагедиядаги барча воқеаларнинг чунончи, ҳозирги капиталистик дунёда инсон эркинлигининг поймол этилиши, ирқчилик сиёсатининг мавжудлиги билан ҳамоҳанглиги асарга замонавийлик бахш этади. Трагедияни саҳналаштиришда Москвадаги Е. Б. Вахтангов номли театрнинг бош режиссёри, СССР халқ артисти Е. Р. Симонов ва режиссёр Р. Ҳамидов Шекспир асарини шу кун руҳига яқинлаштиришни мақсад қилганлар. Ижрочилар ансамблини тузишда, Отеллодан тортиб кичик бир образнинг талқинини ҳал этишда, мезансценалар қуришда ана шу асосий мақсаддан келиб чиқилган.

Одатда ҳар томонлама мукаммал қўйилган спектакль кўрилгандан сўнг киши анча вақтгача ундан таъсирланиб юради, саҳнадаги воқеалар, қаҳрамонларнинг қисмати томошабинни узоқ фикрлашга беихтиёр ундайди. Бу спектаклда ҳам хотирада қоладиган саҳналар ва образлар йўқ эмас. Сенат аҳлига Отеллонинг ҳикоясини тасвирловчи кўриниш, Отелло билан Дездемонанинг муҳаббатини ифодаловчи лирикага бой саҳналар, икки севишганнинг бахтига рахна тушган ва шу туфайли уларнинг чексиз изтиробини кўрсатувчи чуқур драматизм билан суғорилган эпизодлар, Отелло билан Дездемонанинг сўнгги фожиали учрашувини тасвирлайдиган саҳналар шулар жумласидандир.

Шекспир драматургияси билан яқиндан таниш бўлган томошабинда дастлаб: «Отелло образи ўз талқинини саҳнада мукаммал топганмикин?» деган савол туғилади. Бу, табиий. Чунки бутун бошли спектакль тақдири, унинг саҳнадаги умри аввало шу асосий образнинг қандай яратилганига боғлиқ.

Мазкур асар уч асрдан зиёд давр ичида жаҳон театрларида қўйилади. Бироқ тарих Отелло образини ижодий маҳорат чўққисига олиб чиққан машҳур актёрларнинг айримларинигина эътироф этган. Таниқли англиялик актёр Э. Кин, моҳир итальян трагики Т. Сальвини, жаҳонга шуҳрати кетган совет актёрлари Л. Леонидов, А. Остужев, Б. Мордвинов, А. Ҳидоятов, А. Хорава, В. Папазян кабилар шу жумладандир. Масалан, 1945 йилда Англия парламенти делегациясининг аъзолари Аброр Ҳидоятов иштирокида «Отелло» спектаклини кўриб «Шекспир ватанида ҳам Аброр Ҳидоятов яратган Отеллодек образни кўрмаганмиз», деб таъкидлаган.

Афсуски, бундай истеъдод эгалари саҳнада камдан-кам пайдо бўлади. Модомики шундай экан, «Отелло»дек нодир асар қўйилмаслиги керак деган фикр эмас бу, албатта. Яратилган образ томошабинни ҳаяжонга солиб, унда ишонч ҳосил қилдими, театр ва Отелло ролини ижро этган актёр ўз мақсадига эришган деган гап. Фикримизча, Ҳамза номли театр саҳнасида яратилган Отелло образига ҳам ана шу нуқтаи назардан ёндашиш тўғри бўлади.

...Отелло залга қараб, охирги монологининг энг сўнгги сўзларини айта туриб кўксига ханжар санчади... Кўксини икки қўллаб ушлаганича саҳна ўртасида ўтирган Дож томон эгилиб, секин у томонга бурилади. Томошабинга орқа туриб бирдан қоматини ростлайди... Сўнг икки қўлини ёяди: чап қўлида Дездемонага биринчи бор ҳадя қилган рўмолчани ушлаган, ўнг қўлида эса ханжар... Шу ҳолатда Отелло орқаси билан йиқилиб жон беради... Саҳнада ҳам, залда ҳам бир дам сукунат ҳукм суради... Кассионинг «...У олижаноб қалб эгаси эди» деб Отеллога қарата айтган сўзидан кейин залда гулдурос қарсаклар янграйди. Ҳа, бу қарсакларда томошабиннинг спектакль яратувчилари ва ижрочиларига миннатдорлигигина эмас, Отелло образи тан олинганлиги ҳам ифодаланган.

Рўмолча ва ханжар спектаклда рамзий маъно касб этган. Рўмолча — самимий ва садоқатли муҳаббатнинг нишонаси бўлса, ханжар — иғво туфайли шу пок муҳаббатга нисбатан туғилган кучли нафратни ифодалайди. Муҳаббат ва нафрат бир-бирига мутлақо зид бўлган ана шу икки кучли ҳиссиёт фақат Отелло образини эмас, бутун спектаклнинг ғоявий ҳамда бадиий йўналишини, унинг драматик ривожини белгилаган.

Отелло ролини Т. Азизов ва Ё. Аҳмедов ижро этган. Ҳар иккала актёр ҳам Аброр ака иштирокидаги «Отелло» спектаклини кўрган, Отеллонинг бошқа ижрочилари ҳақидаги адабий манбаларни мутолаа қилган. Устозлардан образнинг мағзини чақиш йўлларини ўрганган бўлса ҳам, бироқ улар тақлидга мутлақо берилмай, ҳар бири ўзига хос Отелло образини яратган. Фақат Т. Азизовнинг Отеллоси ташқи кўриниш жиҳатидан бир қадар Аброр Ҳидоятов Отеллосига ўхшаб кетади. Бу табиий, чунки уларнинг қариндошлиги бор.

Т. Азизов ва Ё. Аҳмедов ижросида Отеллога алоқадор мезансценалар асосан бир хилда тузилган, уларнинг либоси ҳам бир хил. Бироқ Отелло образини талқин қилишда улар бир-бирини такрорламаганлар ҳам. Ҳар бир санъаткор Отеллонинг ички ва маънавий дунёсини, психологик ҳолатини, Дездемона, Яго ва бошқа қаҳрамонларга нисбатан муносабатини ўзгача ифодалайди. Т. Азизов ижросидаги Отелло дастлаб сенат саҳнасида пайдо бўлганида саркардага хос виқор ва важоҳати билан киши эътиборини тортади. Ё. Аҳмедовнинг Отеллоси ҳам салобатли, шунинг билан бирга у ўзининг олижаноблиги, нуронийлиги билан ажралиб туради. Отелло — Аҳмедов сенатга оғир ва аянчли ўтмиши ҳақида ҳикоя қилар экан, унинг ажин босган юзларидан, ўйчан ва ҳорғин кўзларида босиб ўтган машаққатли ҳаёт изларини кўради, киши. Ҳар иккала актёр гарчанд Отелло қора танли бўлса ҳам кўнглининг биллурдек поклигини, Дездемонага бўлган муҳаббатини ғоят самимий ва нафосат билан тасвирлайди. Бироқ Яго Отеллонинг қалбида рашк ўтини ёқиб аланга олдирганида, ижрочилар ўз қаҳрамонининг ички драматизмини, муҳаббат билан нафрат ўртасидаги кучли курашни турлича ифодалайди. Т. Азизов Отеллонинг эҳтиросини, ғазабини, изтиробини жазавага тушмай, ўзини жиловлаган ҳолда, вазминлик билан акс эттиради. Дездемонанинг садоқатига шубҳаланадиган саҳналарда томошабин Отеллонинг ички курашини турли ҳолатда кўради, чунончи Яго билан ўтадиган саҳналарда Отелло ғазабга тўлади, унинг кўзига Дездемона ярамасдек гавдаланади ва қалбида севгидан кўра нафрат устун келади. Дездемона билан учрашув саҳналарида эса аксинча, гарчи бутун вужуди ғазабдан туғён ураётган бўлса ҳам, нафратидан кўра Дездемонага бўлган муҳаббати яққол сезилиб туради.

Ё. Аҳмедов — Отелло дилидаги рашк дардини ортиқча бўрттирмайди ҳам, бироқ чекламайди ҳам. Фикримизча, актёр Отеллонинг Дездемонага бўлган муносабатини белгилашда асар текстидан келиб чиққан. Отелло Ягога Дездемонани гоҳ садоқатли, гоҳ фоҳиша деб биламан, дейди. Яъни Отелло рўмолчани Бианка уйи олдида топиб олганга қадар Дездемонага нисбатан икки хил муносабатда бўлади — гоҳ ёнади, гоҳ рашк ўтлари сўнади. Дездемонанинг садоқатсизлигига ўзича ишонч ҳосил қилгандан кейингина муҳаббат ва нафрат ўртасидаги кураш Отелло қалбида кескинлашади. Ё. Аҳмедовнинг Отеллоси Дездемонани қанчалик севса, алданганлиги учун ундан шунчалик нафратланади. Бир-бирига зид бу икки улкан ҳиссиёт унда баб-баравар ўрин эгаллайди, воқеалар ривожи жараёнида кучайиб боради. Айни вақтда, ана шу кескин ички драматизм пок ва самимий муҳаббатнинг фожиавий оқибатини мантиқан тайёрлайди ва спектаклнинг динамикасини таъминлайди.

Шубҳасиз, спектаклда Дездемона образининг қандай талқин этилганлиги маълум даражада Отелло образининг саҳнавий тақдирига таъсир этади. Дездемона ролини ижро этган ҳар иккала актриса — О. Норбоева ва Г. Жамилова ўз олдига ягона мақсадни қўйган. У ҳам бўлса Дездемонанинг Отеллога бўлган меҳр-муҳаббатини ҳаққоний тасвирлаш. Бу мақсадга эришиш учун ҳар бир актриса ўзича йўл тутган. О. Норбоева севги туйғуларини пардаламай очиқ-ойдин акс эттиради. Фикримизча, бу билан актриса Дездемонанинг муҳаббат борасидаги жасоратини таъкидламоқчи бўлган. Ҳар қалай ўша замонда ирқчилик сиёсати шакл топаётган бир даврда оқ танли гўзал қизнинг қора маврни телбаларча севиб, унга турмушга чиқиши — бу чиндан ҳам жасорат. Бироқ актриса назаримизда, Дездемонанинг ҳаракатларига маълум даражада ортиқча эрк берган. Бу ҳол Дездемонани бир қадар етилган, тантиқ аёл сифатида кўрсатган, ҳатто унинг Кассио билан муносабатида чиндан ҳам Отелло шубҳаланганича қандайдир ҳақиқат бўлса керак деган гумонга боради, киши.

Аслини олганда Дездемона ғоятда пок, Отеллони жонидан ортиқ севиб қолган, бироқ иффатини йўқотмаган, назокатли, оқила, ҳатто маълум даражада эркатой. У Отеллони шунчалик севадики, аввалига унинг қалбида нималар содир бўлаётганини англамайди. Шунинг учун ҳам Отеллонинг ички изтиробига аҳамият бермай, қизалоқдек эркаланиб Кассиони ўз вазифасига қайтаришни ундан қайта-қайта илтимос қилади. Йўқолган рўмолча ҳақидаги ҳақиқатни Отеллодан эшитгандан кейингина уни даҳшат босади, бироқ ўшанда ҳам Отеллога бўлган муҳаббатини сўнгги нафасигача ардоқлайди. Г. Жамилова Дездемонанинг ана шу ҳолатини, ундаги ана шу ажойиб инсоний фазилатларини, иффатли муҳаббатини моҳирона кўрсатган. Актриса ижросидаги Дездемона ўзига хос самимият, назокат ва нафосатга эга. Шунинг учун ҳам унинг қаҳрамони томошабинда ишонч ва ҳурмат туғдиради.

Спектаклдаги фожиаларнинг сабабчиси — Яго. У зўравонлик, разолат, адолатсизлик ҳукм сурган, ҳамма нарса пул-бойлик билан ўлчанадиган дунё вакилидир. Артист Т. Тожиев Отеллони рашк ўқи билан оғир яралаб, секин-аста уни руҳан ва жисмоний ҳалокатга олиб келган саҳналарда, Кассио билан майпарастлик этиш ҳамда Бианка уйи олдида Кассионинг иззатига тегадиган эпизодларда, Родриго билан ўтадиган кўринишларда Ягонинг жирканч ниятларини очишга интилган. Назаримизда, режиссура Яго образини талқин этишда актёрга нотўғри йўналиш берган.

Шекспирнинг таърифича, Яго оқсуяк зодагонлар тоифасидан. Унинг юриш-туришида, кишиларга бўлган муносабатида сипоҳлик бор. Яго ғоят ақлли, талантли, сиёсатдон, тадбиркор, устомон одам. Бироқ ундаги бу хислатлар ёвуз ниятларни амалга оширишга қаратилган. Яго ҳаммани ва ҳамма яхши нарсани ўзига итоат қилдиришни истайди. У кўп жиҳатдан Ричард Ш ни эслатади. Яго одамлар тақдири билан шахмат ўйнагандек ўйнамоқчи бўлади. Ўз мақсади йўлида у ҳеч нимадан, ҳатто қотилликдан ҳам қайтмайди. Яго одамларнинг нозик ва заиф томонларини топиб олиб, ана шу йўл билан уларга ўз таъсирини ўтказишга интилади. Чунончи, Отеллонинг покдиллиги ва ишонувчанлиги, Кассионинг мансабпарастлиги ва енгил табиатлиги, Родригонинг лақмалиги ва нодонлиги унга қўл келади. У Отеллонинг Дездемона билан бахтиёрлигини, Кассионинг гўзаллиги ва амалдорлигини, Родригонинг пулдорлигини кўролмайди. Шу бахтга, амалга ва бойликка ўзи эга бўлишни истайди ва бунга эришиш учун бутун ақлини, талантини, макрини, кучини ишлатади. Ягонинг ҳаётий фалсафаси шундан иборат. Бундай олиб қараганда, унинг бу фалсафаси ҳозирги замон империализм фалсафасидан, буржуа ахлоқидан фарқи йўқ. Демак, Яго спектаклда кўрсатилгандек Отеллонинг югурдаги, одамларни бир-бирига тескари қилиб қўядиган оддий бир фитначи ёки иғвогар эмас, балки ўзида ёвузлик, разиллик, тубанлик каби мудҳиш иллатларни мужассамлаган бадиий образ даражасига кўтарилиши керак эди. Асарга кўра Яго ўзининг разил қилмишларидан лаззатланади. Масалан, Отелло рашк ўтида ёниб, қанчалик азоб чекса, Яго шунчалик роҳат қилади. Ким ҳалок бўлади — Кассиоми ёки Родригоми барибир, ҳар иккаласининг ўлимида ўз манфаатини кўзлайди. Демак, Ягонинг спектаклдаги хатти-ҳаракатлари (хусусан, якка ўзи қолган саҳналарда), қабиҳ режалари ва мудҳиш ишлари томошабинда кулгу эмас, нафрат ва ғазаб уйғотиши керак эди. Тўғри, ўрни келганда Яго кулдиради ҳам, ашула айтади, ўйинга тушади, ҳазил-мутойиба ҳам қилади, бироқ буларнинг ҳаммаси унинг учун восита, сиёсат, ниқоб. Аслини олганда у ғоят ичи қора, нияти бузуқ, қотил одам. Спектаклда Ягонинг ниқоб остидаги асл башараси етарли очилмаган, разил қиёфаси фош этилмаган. Аксинча, негадир актёр дағал хатти-ҳаракатлар, ҳазилсимон қилиқлар, сўзларига нотўғри урғу бериш билан томошабинни кулдириш йўлига ўтган. Шунинг учун бўлса керак, спектакль охирида Эмилия Ягонинг ярамас кирдикорларини аямай фош этганда, томошабинда керакли реакция уйғотмайди.

Спектаклда Шекспир асарига мантиқан тўғри келмайдиган, шу билан бир қаторда томошабинда сийқа эффект туғдириш мақсадида ишланган саҳналар бор. Масалан, Отелло Дездемонани ўлдиргандан кейин, у занжир билан кишанланган ҳолда Дож ва сенат аҳли олдида пайдо бўлади. Асар бўйича бундай: Дездемонанинг отаси Брабанцио қазо этади. Венеция ҳокими кўмиш маросимига Отелло ва Дездемона иштирок этиши учун Кипрга Лодовикони мактуб билан юборади. Бироқ Лодовико мудҳиш ҳодиса устидан чиқади. У Отеллони Венецияга олиб кетиши ва ўша ерда унинг тақдири ҳал этилишини айтади, лекин Отелло ўз устидан ўзи ҳукм чиқаради. Алданганини, Дездемонани ноҳақ ўлдирганини англаганидан сўнг ўзига ханжар санчади.

Спектаклдаги Дож ва сенатнинг Кипрда ҳозир бўлиши, Лодовиконинг сўзлари Дожга олиб берилиши, Отеллонинг судланиши эса уйдирма саҳналардир. Отелло Ягодек ёвуз, разил, жиноятькор ёҳуд давлат учун хавфли шахс эмаски, у занжирбанд этилса. Бу ҳол Отеллодек «олижаноб қалб эгасининг» руҳига мантиқан тўғри келмайди-ку!

Бианка — ўта енгил табиатли аёл, унинг эшиги ҳаммага ва ҳамма вақт очиқ. Кассио—Ромео ва Бианка—Жульетта эмаски, ярим тунда арқонли зинапоя орқали яширин ҳолда деразадан ошиб, унинг ҳузурига кирса. Саҳнанинг бундай ҳал этилиши Шекспир асарига зидлигидан ташқари, унга умуман ҳеч қандай эҳтиёж йўқ эди.

Одатда одам уйидаги тўшагини бегонага кўрсатишга тортинади, чунки бу одобга кирмайди. Шекспир охирги саҳнадагина Дездемонани ўз тўшагида ўлдирилиши лозимлиги учунгина бир марта кўрсатади, холос. Нега энди спектаклда Шекспир асарига таҳрир киритилиб, Дездемона ётоқхонасини уч марта кўрсатиш зарурати туғилди?! Бу билан спектакль мазмунан бойиган эмас, аксинча унда кераксиз маиший ва натуралистик элементлар юзага келган.

Ҳамза номли академик драма театри техникавий жиҳатдан катта имкониятларга эга. Бироқ негадир рассом И. Сумбаташвили ва режиссура шу имкониятлардан тўла фойдалана олмаган. Воқеалар асосан пешсаҳнада, томоша залининг биринчи қатори олдидаги йўлакда содир бўлади. Бу билан саҳна кўлами торайтирилган.

Юқорида айтилган мулоҳазалар спектакль бир неча марта кўрилиб, атрофлича таҳлил қилингандан кейингина туғилди. Режиссурада кўрсатилган камчиликлар, хусусан Яго образининг саҳнавий талқини қайта кўриб чиқилса, мақсадга мувофиқ бўлур эди. Умуман олганда театр коллективи В. Шекспирнинг «Отелло» трагедиясини қайта саҳналаштириб томошабинларни қувонтирди.

**Ф. ЖЎРАЕВ,**
**санъатшунослик кандидати.**

# РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

## ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!


**Ўзбекистон ССР Савдо министрлигининг**

ТОШКЕНТ ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1984—1985 ўқув йили учун

**ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ**

Билим юрти малакали сотувчи ва сотувчи контролёр-кассирларни икки йўналишда тайёрлайди;

боққоллик, кондитерлик, гастрономия, гўшт-балиқ ва сут маҳсулотлари бўйича;

газлама, тикув буюмлари, пойабзал, трикотаж, галантерея, парфюмерия, маданий-маиший ва хўжалик моллари бўйича.

**ЎҚИШ 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.**
**ЎҚИШ МУДДАТИ 1 ЙИЛ.**

**Дарслар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.**
**Билим юртига Ўзбекистон шаҳарларида яшайдиган 15 ёшдан 20 ёшгача** (Совет Армияси сафидан ҳарбий хизматни ўтаб қайтганлар 23 ёшгача), **8, 9, 10-синф ҳажмида маълумотга эга бўлганлар кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.**

**Билим юртини тугатганларга «КИЧИК СОТУВЧИ», «СОТУВЧИ», «СОТУВЧИ-КОНТРОЛЁР-КАССИР» деган малака берилади.**

Бошқа шаҳарлардан келганлар ётоқхона билан таъминланади. Ўқувчиларга 32 сўм ва 41 сўмдан стипендия берилади.

Ишлаб чиқариш практикаси Тошкент шаҳридаги Бош универмаг — ГУМ, «Гастроном» республика конторасига қарашли йирик магазинлар ва «Универсам»ларда ўтказилади.

Агар билим юртини битирувчилар ҳамма фанлардан аъло баҳоларга эга бўлиб, малака бўйича ҳам имтиҳонларни муваффақиятли топширсалар, педагогика советининг қарорига мувофиқ билим юртини битириб, бир йўла олий ўқув юртининг кундузги бўлимига ўқишга кириш ҳуқуқига эга бўлади (битирувчилардан 10 процентни).
**Билим юрти қошида кечки ўрта мактабнинг 9, 10, 11 синфлари ишлайди.**

**БИЛИМ ЮРТИДА ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА КИРАДИ.**

**Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:** билим юрти директори номига ариза, маълумоти тўғрисида ҳужжат (асл нусхаси), турар жойидан справка, таржимаи ҳоли, 286-формадаги справка, 3х4 см. ҳажмдаги 6 дона фотосурат, характеристика, халқ депутатлари область Совети ижроия комитети Савдо бошқармасидан ёки халқ депутатлари шаҳар Совети ижроия комитети савдо бўлимидан йўлланма.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Чилонзор массиви, Акмал Икромов райони, Бобур кўчаси, 3-уй. Телефон: 78-44-30 (4, 9 трамвайларнинг «Чўпон-ота», 13, 70 автобусларнинг «Тез медицина ёрдами» клиника касалхонаси бекати).

**Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети**

**«СССР 50 ЙИЛЛИГИ НОМЛИ ТОШКЕНТ ТРАКТОР ЗАВОДИ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ**

176-ТОШКЕНТ ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ

**ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАРНИ**

қуйидаги ихтисослар бўйича

**ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ**

**Иш участкаларидаги электр-кўприк кранлари машинисти, қизғин иш участкаларида ишловчи электрослесарь, электр пайвандловчи. Ўқиш муддати — 1 йил;**

**металл моделлар бўйича моделчи, автослесарь-электрокара бошқарувчи малакасини олган ҳолда, ўқишни тугатгач транспорт ҳайдаш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома берилади (бу мутахассислик бўйича ўқувчилар ётоқхона билан таъминланмайдилар), электрик, электр пайвандловчи, саноат ускуналари ремонти бўйича слесарь-механик, ОТК контролёри, дурадгор. Ўқиш муддати—3 йил;**

**фрезеровкачи-универсал, иш участкаларида саноат ускуналарини созлаш ва ремонт қилиш бўйича слесарь-механик, электр-кўприк кранлари машинисти, синовчи трактор-механика йиғув ишлари слесари малакасини олган ҳолда, ўқишни тугатгач транспорт ҳайдаш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома берилади, токарь-универсал. Ўқиш муддати — 1 ва 3 йил.**

Билим юртини тугатганлар тўлиқ ўрта маълумот ва мутахассислиги тўғрисида диплом оладилар ва олий ўқув юртларига ўқишга киришда имтиёзлардан фойдаланадилар.

Ўқишга қабул қилинганларнинг барчаси 3 маҳал овқат, кийим-бош, махсус кийим билан таъминланадилар, зарур бўлган кишиларга секция типидаги ётоқхонадан жой берилади. Ўқиш даврида ўқувчиларга ишлаб чиқариш практикаси жараёнида ишлаб топилган маблағнинг бир қисми тўланади.

Билим юрти яхши жиҳозланган ўқув кабинетлари, устахоналар, стадион, спорт зали, бассейн барча қулайликлари бўлган секция типидаги яхши жиҳозланган ётоқхонага эга. 6 тўгарак ва 11 спорт секцияси ишлаб турибди. Эстрада, духовой ва миллий ансамбллар мавжуд. Билим юрти қошида ДОСААФ спорт-техника мактаби филиали (картинг ва мотоспорт) фаолият кўрсатаётир. Ёзги таътил даврида дам олиш учун Чорвоқ сув омбори яқинида спорт-соғломлаштириш лагери бор.
**Ўқишга киришда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:** директор номига ариза, таржимаи ҳоли, туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт (асли), маълумоти тўғрисида гувоҳнома, турар жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, медицина справкаси (286-форма), 6 дона фотосурат (3Х4 см.), характеристика.

**МАШҒУЛОТЛАР 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.**

Бизнинг адрес: 700177, Тошкент шаҳри, 1-Ташавтомаш массиви (17, 1, 1э, 16, 24 — автобуслар, 28 — маршрут таксисининг «Трактор заводи» бекати).

**«УЗБЕКГИДРОЭНЕРГОСТРОЙ»**

**трестининг**

**ЎҚУВ КОМБИНАТИ**

**трестнинг механизациялаштирилган ишлар бошқармасида ишлаш учун экскаватор машинистларини тайёрлайдиган курсларга**

**ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ**

Ўқувчиларга ойига 75 сўм стипендия ва ётоқхона берилади.

Иш даврида ёлғизларга ётоқхонадан жой, оилалиларга эса навбат тартибида квартира берилади.

**Мурожаат учун адрес:** Тошкент шаҳри, М. Горький майдони, Комсомол 40 йиллиги кўчаси, 39—«а» уй. Телефон 66-09-02.

40-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
**ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА**

**ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ**

**БИЛИМ ЮРТИ ҚУЙИДАГИ КАСБЛАР БЎЙИЧА МАЛАКАЛИ ИШЧИЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ: автослесарь, минорали кран машинисти, экскаватор машинисти, бульдозерчи, дурадгор, бўёқчи, слесарь-сантехник, қўлда пайвандловчи электр пайвандчи, йўл-қурилиш машиналари бўйича электрослесарь.**

**ЎҚИШ МУДДАТИ — 1 — 3 ЙИЛ.**
БИЛИМ ЮРТИГА 8-10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ ЙИГИТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
**Қабул қилинганлар тўлиқсиз давлат таъминотида бўладилар ёки 30 сўмдан стипендия** (минорали кран ва экскаватор машинисти 75 сўм), **ҳамда ишлаб чиқариш практикаси даврида маошининг 50 проценти билан таъминланадилар.**
**ЎҚИШ МУДДАТИ УЗЛУКСИЗ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИЛАДИ.**
**Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади**
Билим юртини «аъло» баҳолар билан тугатган ўқувчиларга ўрта-махсус ва олий ўқув юртларида ўқиш учун йўлланма берилади.
БИЛИМ ЮРТИДА ЮҚОРИДА ҚАЙД ҚИЛИНГАН КАСБЛАР БЎЙИЧА 6 ОЙЛИК ҚИСҚА ТАЙЁРЛОВ КУРСЛАРИ ОЧИЛГАН.
Билим юрти қошида вокал — чолғу ва халқ — чолғу ансамбллари, фото ва рассомлик тўгараклари, турли спорт секциялари мунтазам ишлаб туради.
**Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар топширилиши керак:** билим юрти директори номига ариза, паспорт (гувоҳнома), маълумоти ҳақида шаҳодатнома, турар жойидан справка, ота — онасининг ишхонасидан справка, 286 — формадаги медицина справкаси, 6 дона фотосурат (3Х4 см.).
**ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА ҚУЙИДАГИ АДРЕСДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ:**
Тошкент шаҳар, Луначарский шоссеси, 69 — уй (1, 1 э, 4, 17 э, 24, 102-автобусларнинг «М. Горький» метро станцияси бекати); 17, 18-троллейбуслар, 13, 22-трамвайларнинг «Партия мактаби» бекати).

**Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети**
57-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
**1984—85 ўқув йили учун**
**ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА**

**ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ**

Металларга совуқ ҳолда кесиб ишлов бериш бўйича токарь-универсал, программа билан бошқариладиган станокларнинг фрезерчи-операторп, саноат ускуналари ремонти бўйича слесарь-механик, саноат ускуналари ремонти ва эксплуатацияси бўйича электрик, электр газ-пайвандчи, кабель ишлаб чиқариши бўйича электромонтер, дурадгор (бадиий мебель ишлаб чиқариш бўйича), саноат совутиш қурилмаларига хизмат кўрсатиш ва ремонт қилиш бўйича машинист, кучланиш тармоқлари ва электр ускуналари бўйича электр монтажчи.
**Ўқиш муддати—1 йил ва 3 йил.**
БИЛИМ ЮРТИГА 8—10-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
**8-синфни битириб ўқишга кирганлар 3 йил ўқийдилар ва тўлиқ ўрта маълумот ҳамда касб эгаллаганликлари тўғрисида диплом оладилар.** Ўқувчилар ҳар куни 3 маҳал иссиқ овқат ва кийим-бош билан таъминланадилар. Бошқа шаҳарликларга ётоқхона берилади.
Ўрта маълумот билан кучланиш тармоқлари ва электр ускуналари бўйича электромонтажчи ихтисоси бўйича ўқишга кирганлар ҳар ойда 76 сўм ҳажмида стипендия билан таъминланадилар. Ишлаб чиқариш практикаси даврида топган меҳнат ҳақларининг 50 процентини оладилар.
**Совет Армияси сафидан ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитлар учун металларни совуқ ҳолда кесиб ишлов бериш бўйича токарь-универсал, фрезерчи** (программа билан бошқариладиган станокларнинг операторлари), **кучланиш тармоқлари ва электр ускуналари бўйича электромонтажчи ихтисоси бўйича ўқиш муддати қисқартирилган** (ўрта маълумотлилар 7,5 ой, 8-синф ҳажмида маълумотлилар 10,5 ой ўқийдилар).
**Уларга ҳар ойда 76 сўмдан стипендия берилади.**
Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.
**МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ.**
Билим юртини тугатганлар техникум ва олий ўқув юртларига киришда имтиёзлардан фойдаланадилар.
Билим юртини аъло баҳолар билан битирганлар корхоналарда мажбурий хизматни ўтамасдан ўқишни давом эттириш учун ўрта ва олий ўқув юртларига йўлланма билан юбориладилар.
Билим юрти яхши спорт базасига эга. Билим юртида техника ижодкорлиги тўгараги, «Смена» вокал-чолғу ансамбли ва «Ровесник» диско клуб ишлайди. Ёзда дам олиш базаси мавжуд.
**МАШҒУЛОТЛАР 1 СЕНТЯБРДА БОШЛАНАДИ.**
**Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:** директор номига ёзилган ариза, автобиография, характеристика, маълумоти тўғрисида гувоҳнома, 286-формадаги медицина справкаси, турар жойидан справка, 3х4 см. ҳажмдаги 4 дона фотосурат, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (паспорт).
**Ҳарбий рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки ҳарбий билет шахсан кўрсатилади.**
**Ариза ва ҳужжатлар ҳар куни** (якшанбадан ташқари) **соат 9 дан 17.00 гача қабул қилинади.**
Мурожаат учун адрес: 700164, Тошкент шаҳри, Високовольтний массиви, 3-сектор («М. Горький станцияси»-дан 4-автобусда «7-поликлиника» бекатигача, 6, 13, 22-трамвайлар ва 18-троллейбусда «Маиший хизмат кўрсатиш уйи» бекатигача).


## ТЕЛЕВИДЕНИЕ

**БУГУН**

МТ I. 9.00 — Время. 9.40 — Мультфильм. 10.15 — Саёҳатчилар клуби. 11.15 — Телефильм. 11.45 — Жаҳон халқларининг ижоди. 12.15 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 15.55 — Тарих саҳифалари. 16.50 — Тўрт танкчи ва бир ит. Бадиий фильм. 11-серия. 17.50 — Киноочерк. 18.00 — СССР Денгиз флотининг 60 йиллигига. Океанга ишга. 19.00 — Расмларда қуёш акси бор. 19.15— Дунё воқеалари. 19.30 — Қалбга яқин қўшиқлар. 20.20— Учрашув жойини ўзгартириб бўлмайди. Бадиий фильм. 1-серия. 21.30 — Время. 22.05— Учрашув жойини ўзгартириб бўлмайди. Бадиий фильм. 2-серия. 23.15 — Дунё воқеалари.

МТ II. 9.00 — Эрталабки гимнастика. 9.20 — Ҳужжатли фильм. 9.30 — Эски қарзлар. Бадиий фильм. 10.55 — Рус тили. 11.25 — Шахмат мактаби. 11.55 — 12.25 — Ҳужжатли фильмлар. 12.55 —14.00 — Хоразм афсонаси. Бадиий фильм. 1-серия. 14.30 — В. Биков. Ижод саҳифалари. 15.20 — Ҳунар-техника билим юртларида нимага ва қандай қилиб ўргатишади? 15.50 — Фильм-концерт. 16.20 — Фан ва турмуш. 16.50 — Дунё ва ёшлар. 17.25 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — Телефильм. 19.00 — Дружба-84. Қиличбозлик. 19.45 — 20.30 — ...16 ёшгача ва ундан катталар. 20.45 — Халқаро панорама. 21.30 — Время. 22.05 — Теннис. 22.50— Фильм-концерт.

ЎзТВ I. 18.00 — Янгиликлар. 18.15 — Мультфильм. 18.30 — Пионерлар мамлакатида. 19.00 — Халқ истеъмоли молларига — юқори сифат. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Р. Файзий. Ҳазрати инсон. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Лирик концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Ғўза парваришига — аъло сифат. 22.25— «Шошма, қуёш». Спектакль.


**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА**

**5 АВГУСТДАН БОШЛАБ**

ЧЕТ ЭЛ ЦИРК АРТИСТЛАРИНИНГ СССРДАГИ ГАСТРОЛЛАРИ

**ИНТЕРЦИРК-84**

(2 бўлимдан иборат катта ранг-баранг программа)
**Томошалар соат 19.30 минутда, шанба ва якшанба кунлари соат 12.00, 16.00 ва 19.30 да бошланади.**
**Коллектив бўлиб келиш учун буюртмалар қабул қилинмоқда.**
**Қишлоқ жойлардан келувчи томошабинларнинг заявкалари навбатдан ташқари қабул қилинади.**
**Билетларни олдиндан сотадиган кассалар 12 июлдан ишлай бошлайди.**
**КАССА — 10.00 ДАН 20.00 ГАЧА ИШЛАЙДИ.**
**Справкалар учун телефонлар: 44-35-91, 44-35-84.**


## СПОРТ

**КОМИЛНИНГ ОЛТИН МЕДАЛИ**

**Тошкентлик курашчи Комил Фатхуллин СССР терма командаси составида яна бир катта ғалабани қучди. У Будапешт шаҳрида бўлиб ўтган «Дўстлик-84» турнирида шоҳсупанинг биринчи поғонасига кўтарилиб, олтин медални қўлга киритишга муваффақ бўлди.**

**ТЕРМА КОМАНДА СОСТАВИДА**

**Тошкентлик велопойгачи — Сергей Ворониннинг муваффақиятлари ҳам кўпчиликни ҳайратга солмоқда.**
**Яқинда Сергей яна СССР терма командаси составига чақирилди. У Вильнюс шаҳрида бошланган халқаро турнирда қозоғистонлик Евгений Корольков, Сергей Новолакин ва днепропетровсклик Владимир Климовлар билан биргаликда 100 километрлик масофада маррага биринчи бўлиб етиб келди. Натижада СССР терма командаси бу мусобақада энг яхши натижа кўрсатди.**


Редактор
**Н. НАСИМОВ.**


Р. 20024. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС: 64684. В. 1741. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12